

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

25-сон
(1045)
2022 йил
июнь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

216. ««Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 23 июндаги ЎРҚ–780-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

217. «Дзюдо спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 июндаги ПҚ–286-сон қарори

218. «Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги ПҚ–289-сон қарори

219. «Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги ПҚ–290-сон қарори

Учинчи бўлим

220. «Таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналарга вазначилик орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 июндаги 345-сон қарори

Бешинчи бўлим

221. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 13 июндаги 17-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БХС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-4*)
222. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 13 июндаги 18-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-6*)
223. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 6 июндаги 4-2022-сон «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3156-2*)
224. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi direktorining 2022-yil 10-iyundagi 01-420-son "O'zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi magistraturasiga kirish test sinovlarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash

haqida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2022-yil 23-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2698-1*)

225. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 13 июндаги 8-сон «Кемаларни рўйхатга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2595-1*)
226. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 1 июндаги 344-В-7-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 27 майдаги 15-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-7*)
227. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 1 июндаги 343-В-9-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 27 майдаги 13-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-9*)
228. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2022 йил 10 июндаги 12-2022/Б-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2983-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

216 «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2022 йил 31 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 13 июнда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-мод-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 июнда эълон қилинган.

далар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **97-модда иккинчи қисми диспозициясининг «н» банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«н) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида»;

2) **104-модда иккинчи қисми диспозициясининг «и» банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«и) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида»;

3) қуйидаги мазмундаги **115¹-модда** билан тўлдирилсин:

«115¹-модда. Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш

Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш, зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар ожиз аҳволда эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан ёхуд моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

4) **133-модда:**

номи ва **биринчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«133-модда. Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш

Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилишнинг белгиланган шартларини ва (ёки) тартибини бузиш, бундан ушбу Кодекснинг 115¹, 133¹, 133²-моддаларида назарда тутилган ҳоллар мустасно, худди шунингдек вафот этган одамнинг аъзоларини ёки тўқималарини у тириклигида унинг розилигини олмай туриб, илмий ёки таълим мақсадларида бузилмайдиган ҳолда сақлаш (консервация) учун олиш»;

иккинчи қисмининг диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ўша ҳаракатлар:
а) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
г) шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса»;
5) қуйидаги мазмундаги **133¹** ва **133²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«133¹-модда. Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси

Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси, —
уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:
а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —
беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

133²-модда. Инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш

Инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

6) **135-модда иккинчи қисми диспозициясининг «к» банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«к) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида содир этилган бўлса»;

7) **137-модда учинчи қисмининг диспозицияси** қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш мақсадида содир этилган бўлса».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9,

229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда) **345-моддасининг бешинчи қисмидаги** «117-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 118, 119-моддаларида, 121-моддаси иккинчи қисмида, 124-моддасида, 127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 127¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 128-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддаси иккинчи қисмида, 131-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 133-моддаси иккинчи қисмида, 134, 135-моддаларида» деган сўзлар «115¹-моддасида, 117-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 118, 119-моддаларида, 121-моддаси иккинчи қисмида, 124-моддасида, 127-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 127¹-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 128-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида, 129-моддаси иккинчи қисмида, 131-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида, 133-моддаси иккинчи қисмида, 133¹, 133², 134, 135-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «**Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–154-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августда қабул қилинган ЎРҚ–633-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 8, 490-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **3-моддасининг бешинчи хатбошисидagi** «инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) хужайраларини ажратиб олишни» деган сўзлар «инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида**»ги ЎРҚ–276-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 476-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 11, 792-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда) **5-моддасининг биринчи қисмидаги** «ўз жасадидан (сақланиб қолган тана қисмларидан) органлар ва (ёки) тўқималар ажратиб олинишига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 23 июнь,
ЎРҚ–780-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

217 Дзюдо спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–127-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳоли ўртасида дзюдонинг олимпия спорт тури сифатида оммавийлигини ошириш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш, миллий терма жамоаларимизнинг нуфузли спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар дзюдо спорт турини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

дзюдони аҳоли ўртасида оммавий спорт турларидан бирига айлантириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

мактабгача ёшдаги болаларда дзюдога қизиқиш уйғотиш ва жанг санъатининг ушбу тури бўйича бошланғич кўникмаларни шакллантириш;

дзюдо бўйича профессионал тренерлар, малакали ҳакамлар ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш;

дзюдо инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш, умумий ўрта таълим мактабларида дзюдо заллари сонини кўпайтириш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жисмоний тайёргарлик машғулотлари дастурига дзюдони босқичма-босқич кириштириш, улар тизимидаги таълим муассасалари ўқувчи-талабалари учун ушбу спорт тури бўйича факультатив машғулотлар ва тўғараклар ташкил қилиш;

аёллар ўртасида дзюдони ривожлантириш, бу борада узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

оммавий ахборот воситаларида соғлом турмуш тарзининг муҳим таркибий қисми сифатида дзюдони тарғиб қилиш ҳамда бу жараёнда ахборотлаштириш ва мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланишни таъминлаш.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 июнда эълон қилинган.

2. Қўйидагилар:

2022-2023 йилларда дзюдо спорт турини янада ривожлантириш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

2022 — 2025 йилларда дзюдо спорт турини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб анъанавий тарзда дзюдо спорт тури бўйича Ўзбекистонда қўйидаги мусобақалар ўтказилади:

катталар ўртасида «Катта дубулға» халқаро турнири;

Осиё чемпионати ғолиби ва Халқаро тоифадаги Ўзбекистон спорт устаси Учқун Муродов хотирасига бағишланган 18 ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар ўртасида халқаро турнир;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Халқ таълими вазири кубоги»;

ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари ўқувчи-талабалари ўртасида «Олий ва ўрта махсус таълим вазири кубоги»;

Қуролли Кучлар тизимида «Мудофаа вазири кубоги»;

2024-2025 йилларда ҳарбийлар ўртасида Жаҳон чемпионати.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш. Махмудов) Мудофаа вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон дзюдо федерацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича чоратадбирлар режасини тасдиқласин;

халқаро турнирларда маҳаллий дзюдочилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган кучли халқаро дзюдочилар, тренерлар ва ҳакамларнинг иштирокини таъминласин;

юқоридаги мусобақалар ва турнирларни ўтказиш жараёнини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа коммуникация манбаларида кенг ёритсин.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Б. Ибрагимов) юқоридаги мусобақалар ва турнирларни туристик маршрутлар объектлари рўйхатига киритсин, уларга хорижий ва маҳаллий туристларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

4. Халқаро дзюдо федерациясининг режасига мувофиқ, 2022 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида дзюдо бўйича катталар ўртасида Жаҳон чемпионати ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

жаҳон чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар ҳомийлар маблағлари (титул ҳомийлик, реклама, ахборот ҳамкорлиги ҳамда телевизион трансляция медиа ҳуқуқларидан тушадиган), шунингдек, Ўзбекистон дзюдо федерацияси маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда, олинadиган фойда Ўзбекистон дзюдо федерацияси тасарруфида қолдирилади

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳамда дзюдони янада ривожлантиришга, жумладан дзюдо мактабларини қуриш ва жиҳозлаш ҳамда федерация фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилади;

жаҳон чемпионатини ўтказиш учун аъзолик бадали ва мукофот пули билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон дзюдо федерацияси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон дзюдо федерацияси билан биргаликда жаҳон чемпионатининг юқори даражада ўтказилишини таъминласин ва у билан боғлиқ бўлган барча ташкилий масалаларни ҳал этиш чораларини кўрсин.

5. 2023 йил 1 январдан бошлаб Сурхондарё вилояти Денов тумани ҳамда Хоразм вилояти Урганч шаҳар олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари негизида Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимига кирувчи Денов ҳамда Урганч дзюдо спорт маҳорати мактаблари (кейинги ўринларда — дзюдо мактаблари) давлат спорт-таълими муассасаси сифатида ташкил этилсин.

Белгилансинки:

дзюдо мактаблари фаолияти дзюдо бўйича қобилиятли ва иқтидорли ёш спортчиларни танлаб олиш ҳамда уларни асосан миллий терма жамоаларга тайёрлашга йўналтирилади;

дзюдо мактабларига ўқишга 5-синфдан қабул қилинади ҳамда таълим олиш муддати етти йил этиб белгиланади;

дзюдо мактабларининг ўқув жараёни Спортни ривожлантириш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади ҳамда тасдиқланган ўқув режага асосан амалга оширилади;

дзюдо мактаблари директори, унинг ўринбосарлари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услугчилар, тарбиячилар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва тарбиячилар меҳнатини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 275-сон қарорига мувофиқ;

дзюдо мактаблари директори, унинг ўқув ва спорт ишлари бўйича ўринбосари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услугчилар, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 211-сон қарорига мувофиқ;

дзюдо мактаблари тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда дзюдо мактаблари фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

6. 2023 йил 1 январдан бошлаб:

умумий ўрта таълим мактабларида дзюдо спорт турини ривожлантириш бўйича «Болалар учун дзюдо» дастури;

мактабгача таълим ташкилотларида «Мактабгача дзюдо» лойиҳаси жорий қилинсин.

Белгилансинки:

а) «Болалар учун дзюдо» дастури доирасида:

Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўқувчиларида дзюдо билан шуғулланиш истаги юқори бўлган ҳамда спорт заллари мавжуд умумий ўрта таълим мактаблари белгилаб олинади;

танлаб олинган умумий ўрта таълим мактабларида дзюдо бўйича дарсдан ташқари алоҳида спорт секциялари мактаб жойлашган ҳудуддаги спорт мактабидан жалб этилган тренер-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади;

умумий ўрта таълим мактабларида дзюдо залларини ташкил этиш, мавжуд дзюдо инфратузилмасини кенгайтириш ва жиҳозлаш бўйича инвестиция ва грантлар жалб қилинади;

Халқаро дзюдо федерациясининг «Мактабларда дзюдо» дастури билан узвий боғлиқлик таъминланади, мазкур дастурдаги йўналишлар, функциялар ва бошқа муҳим чора-тадбирлар амалга оширилади;

дзюдони ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, уларда ушбу спорт турига қизиқишни ошириш, ёшлар ўртасида дзюдо бўйича мусобақаларни ўтказишга кўмаклашиш, шунингдек, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади;

б) «Мактабгача дзюдо» лойиҳаси доирасида:

мактабгача таълим ташкилотларида дзюдони оммалаштириш ва кенг тарғиб қилиш орқали тарбияланувчиларни мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш;

тарбияланувчиларда дзюдо билан шуғулланишга кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш.

7. Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Икрамов), Ўзбекистон дзюдо федерацияси (А. Камиллов) билан биргаликда 2023 йилдан бошлаб дзюдо спорт турини ўқувчилар ўртасида оммалаштириш бўйича танланган мактабларни ўқув қўлланма, татами, аксессуар ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлаш учун Халқ таълими соҳасида ислохотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хар йили 5 миллиард сўмгача маблағларни йўналтирсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

«Болалар учун дзюдо» дастури доирасида фаолият юритадиган тренер-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 211-сон қарорига мувофиқ спорт мактаблари тренер-ўқитувчилари учун белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилади;

«Болалар учун дзюдо» дастури доирасида қуриб фойдаланишга топши-

рилган дзюдо заллари Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари балансида сақланади ва улар фаолиятини тўлиқ ва самарали йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон дзюдо федерацияси билан биргаликда Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан малакали тренерлар билан таъминланади;

«Болалар учун дзюдо» дастури доирасида куриб фойдаланишга топширилган дзюдо залларида Ўзбекистон дзюдо федерацияси хузуридаги Дзюдо спорт клубининг филиаллари ташкил этилади, филиаллар фаолиятига Ўзбекистон дзюдо федерацияси методик раҳбарлик қилади, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни дзюдога ўргатиш орқали қамровни йилдан йилга ошириб боради, улар ўртасида турнирлар, мусобақалар ташкил этади.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон дзюдо федерациясининг:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб «Дзюдо ва спорт фаолияти» бакалавриат таълим йўналишини очиш;

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Дзюдо ва спорт фаолияти» бакалавриат таълим йўналиши бўйича 2022/2023 ўқув йили учун қабул параметрлари доирасида қабул квоталарини белгилаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон дзюдо федерациясининг Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимида Ўзбекистон дзюдо академиясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

11. Қўйидагилар Ўзбекистон дзюдо академиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

дзюдо, шу жумладан парадзюдо бўйича спортчилар, тренерлар, тренер-селекционерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларнинг касбий маҳорати ва малакасини ошириш;

дзюдо, шу жумладан парадзюдо бўйича профессионал, юқори малакали спортчилар, тренерлар, тренер-селекционерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларни халқаро талаблар асосида тайёрлашга кўмаклашиш;

дзюдо, шу жумладан парадзюдо бўйича ўқув дастурлар ва методологияни янгилаш, ёшларнинг тайёргарлик жараёнига илғор инновацион технологияларни жорий этиш;

маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида семинар, тренинг, мастер-класслар, ўқув машғулотлар ташкил этиш.

12. Ўзбекистон дзюдо академияси фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон дзюдо федерацияси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ўзбекистон дзюдо академияси фаолиятини ташкил этиш бўйича Хукумат қарорини қабул қилсин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артикходжаев):

Фанлар академияси билан биргаликда Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтига доимий фойдаланишга берилган ер участкасининг (Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Кодирий кўчаси, 76-уй) Ўзбекистон дзюдо федерациясининг асосий базасига туташ бўлган ва бўш турган қисмини белгиланган тартибда захирага қайтариш;

захирага қайтарилган ер участкасини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ва Спортни ривожлантириш вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиш чораларини кўрсин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (М. Исмаилов) Ўзбекистон дзюдо федерацияси (А. Камилов) билан биргаликда ажратилган ер участкасида Ўзбекистон дзюдо академияси бино ва иншоотларини қуришни назарда тутувчи ижтимоий шериклик тўғрисида битим имзоланишини ҳамда Япониянинг «Кодокан» кўп функцияли, замонавий ва универсал дзюдо маркази намунаси бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан Халқаро дзюдо федерацияси талабларига жавоб берадиган, спорт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бино ва иншоотлар (спорт зали, ўқув биноси, ошхона ва ёрдамчи бинолар) қурилиб, фойдаланишга топширилишини таъминласин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А. Бобоев) Спортни ривожлантириш вазирлиги (М. Исмаилов), Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон дзюдо федерацияси билан биргаликда 2023 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Оқтош қишлоғи ҳудудида дзюдо бўйича миллий терма жамоалар учун Халқаро дзюдо федерацияси стандартларига жавоб берадиган 50 ўринли ётоқхона ва ошхона, тренажёр зали, тиббий пункт ва замонавий спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган ўқув-машғулот базасини барпо этиш юзасидан таклиф киритилишини таъминласин.

15. Тошкент вилояти ҳокимлиги (З. Мирзаев) «Чорвоқ» туристик рекреацион зонаси» ДУК билан келишган ҳолда Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Оқтош қишлоғи ҳудудидан Спортни ривожлантириш вазирлигига 0,5 га ер участкасини 2022 йил якунига қадар доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (М. Исмаилов) Ўзбекистон дзюдо федерацияси (А. Камилов) билан биргаликда ажратилган ер участкасида дзюдо бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот базасини барпо этишни назарда тутувчи ижтимоий шериклик тўғрисида битим имзоланишини таъминласин.

16. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Спортни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, дзюдо спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, шунингдек, дзюдони ривожлантириш мақсадлари учун Ўзбекистон Миллий олим-

пия қўмитасига жорий йилда спорт соҳаси учун қўзда тутилган маблағлар доирасида 2 миллиард сўм ажратилишини таъминласин.

17. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А. Икрамов) Ўзбекистон дзюдо федерацияси билан биргаликда 2022 йил 20 декабрга қадар спорт мактаблари ҳамда Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларини халқаро талабларга жавоб берадиган дзюдо спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси ҳамда бошқа зарур воситалар билан таъминласин ва ушбу мақсадларга Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг 2022 йил учун республика календарь режасида ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисмидан зарур маблағлар йўналтирсин.

18. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

19. Спортни ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири А.И. Икрамов, спортни ривожлантириш вазири ўринбосари Ш.Ш. Махмудов ҳамда Ўзбекистон дзюдо федерацияси раиси А.Я. Камиллов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 20 июнь,
ПҚ-286-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**218 Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни жорий қилган ҳолда замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, шунингдек, педагогика соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Урганч давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида Урганч давлат педагогика институти;

Наманган давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида Наманган давлат педагогика институти;

Гулистон давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида Гулистон давлат педагогика институти;

Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти негизида Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти;

Андижон давлат университетининг Педагогика институти негизида Андижон давлат педагогика институти;

Бухоро давлат университетининг Педагогика институти негизида Бухоро давлат педагогика институти;

Термиз давлат университетининг Педагогика институти негизида Термиз давлат педагогика институти;

Қарши давлат университетининг Педагогика институти негизида Шахрисабз давлат педагогика институти;

Чирчиқ давлат педагогика институти негизида Чирчиқ давлат педагогика университети;

Жиззах давлат педагогика институти негизида Жиззах давлат педагогика университети ташкил этилсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов), Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин) ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (У. Ташкенбаев) педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш учун:

а) 2022 йил 1 сентябрга қадар:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 июнда эълон қилинган.

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг таълим дастурларини хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда қайта кўриб чиқсин ва уларни Миллий малака рамкаси, Таълимни халқаро стандарт классификатори (МСКО-2011) ва халқаро баҳолаш дастурлари (PISA, TIMSS, PIRLS, TALIS) талабларига;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўртасида академик мобилликни йўлга қўйиш учун уларнинг ўқув режалари ва таълим дастурларини бир-бирига мувофиқлаштирсин;

б) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

таълим дастурларининг ўзаро уйғунлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълимда фойдаланиладиган дарсликлар ҳамда методик қўлланмаларни педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига уларнинг талабномасига мувофиқ пуллик асосда тақдим этиш тартибини жорий қилсин;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2 — 4-босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулоти «4+2» тартибида, шу жумладан дарсларнинг 4 кунни олий таълим муассасасида, 2 кунни мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўташ тартибида олиб борилишини таъминласин;

в) 2023 йил 1 сентябрга қадар педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан замонавий ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган физика, кимё, биология ва технологик таълим фанлари бўйича ўқув лабораторияларни ташкил этсин;

г) 2024 йил 1 январга қадар педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари учун «Олий таълим жараёнларини бошқариш» ахборот тизи-мида электрон ўқув дастурлар, дарсликлар, илмий-тадқиқот ишлари, мақо-лалар, тақдимотлар, мультимедиа таълим маҳсулотлари, маърузаларнинг аудио ва видео ёзувлари ҳамда бошқа контентларни жойлаштирсин;

д) 2024 йил 1 сентябрга қадар педагог кадрлар тайёрловчи олий таъ-лим муассасаларининг ўқув жараёнига талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш ва ижодий фикрлаш кўникмаларни шакллантириш-га қаратилган методикаларни жорий қилсин;

е) ҳар йили педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ихтисослик кафедраларининг камида 5 фоиз профессор-ўқитувчиларини ушбу муассасаларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан хори-жий давлатларга танлов асосида малака ошириш ва стажировкага юбориш чораларини кўрсин.

3. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норкулов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов), Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) ҳамда Молия вазирлиги (Т. Ишметов) би-лан биргаликда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг дав-лат буюртмаси параметрларини шакллантиришда эҳтиёждан келиб чиқиб, педагогик таълим йўналишлари учун ажратиладиган давлат гранти асоси-

даги қабул кўрсаткичлари миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш чораларини кўрсин.

4. Белгилансинки, 2023/2024 ўқув йили қабулидан бошлаб педагогик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг:

мазкур қарорга 1-иловада* кўрсатилган таълим йўналишлари бўйича сиртки таълим шаклига қабул амалга оширилмайди;

мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилмаган педагогика соҳасидаги таълим йўналишларига сиртки таълим шакли бўйича ўқишга таълим тизимида педагогик фаолиятга оид камида беш йиллик иш стажига эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Бунда, педагогика соҳасидаги таълим йўналишларида сиртки таълим шакли бўйича ўқиш истагида бўлган шахсларнинг таълим тизимида камида беш йиллик педагогик иш стажига эга эканлиги «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексидаги маълумотлар асосида белгиланади.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) билан биргаликда 2023 йил 1 январга қадар педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари бакалавриатида таҳсил олаётган талабалар учун уларнинг таълим йўналишларига турдош бўлган мутахассисликлар бўйича қўшимча педагогик тайёрлов дастурларини (кейинги ўринларда — дастурлар) ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий қилсин.

Белгилансинки:

дастурлар бўйича ўқишга педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари бакалавриатининг сўнгги икки босқичида таҳсил олаётган талабалар қабул қилинади;

дастурлар бўйича ўқитиш талабаларнинг олий таълим муассасасида таҳсил олишдан бўш бўлган вақтида пуллик асосда амалга оширилади. Бунда, манфаатдор вазирлик, идоралар ва ташкилотлар томонидан дастурлар бўйича ўқитиш учун грант ажратилиши мумкин;

дастурларни ўзлаштирганлик тўғрисидаги сертификатга эга шахсларга олий таълим ташкилотида ўқишни битирганидан сўнг қайта тайёрлаш курсларидан ўтмасдан сертификатда кўрсатилган мутахассислик бўйича мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади.

6. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурларида таълим олаётган талабаларнинг ҳамкор хорижий олий таълим муассасасида ўқиш даври учун тўлов-контракт қийматини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби жорий этилсин.

Белгилансинки, педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратурасида қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган талабаларнинг ҳамкор хорижий олий таълим муассасасида ўқиш даври учун тўлов-контракти қийматини Давлат бюджети

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурларида тўлов-контракт асосида таълим олаётган ва юқори академик кўрсаткичларга эга бўлган талабалари ўртасида танлов ўтказилади;

танловда ғолиб бўлган талабалар билан давлат мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида камида уч йил ишлаб беришни назарда тутувчи шартнома расмийлаштирилади;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурларида таълим олаётган талабаларнинг тўлов-контракт қийматини қоплаш учун маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида тегишинча Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирлигига ажратилади;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг қўшма таълим дастурларида таълим олаётган талабаларнинг тўлов-контракт қийматини қоплаш учун ажратиладиган маблағлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Мактабгача таълим вазирлигининг Молия вазирлиги Ҳазначилигида очилган алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағида назарда тутилади.

7. «Эл-юрт умиди» жамғармаси (А. Бекмуродов) 2023 йилдан бошлаб педагогика соҳаси бўйича нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида бакалаврият, магистратура, докторантура дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш учун «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиялари ҳисобидан ҳар йили тасдиқланган умумий қабул квоталари доирасида педагог кадрлар учун камида 35 та алоҳида квота ажратилишини таъминласин.

8. Қуйидагилар:

2022 — 2026 йилларда педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 3.1 — 3.13-иловаларга* мувофиқ;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари факультетларини мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларига бириктириш жадвали 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари уларга бириктирилган мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари билан олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчиларни узлуксиз касбий ривожлантириш масалаларида яқиндан ҳамкорлик қилади, шу жумладан таълим муассасаларида маҳорат дарслари ҳамда талабалар амалиётини ташкил этади, ушбу муассасаларга ўқув-методик жиҳатдан ёрдам кўрсатади.

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари хузурида ташкил этиладиган академик лицейлар рўйхати 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари хузурида ташкил этиладиган академик лицейлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

тегишли педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари;

хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Белгилансинки:

2023/2024 ўқув йилида тажриба-синов тариқасида педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари хузуридаги академик лицейларга қабул икки босқичли саралаб олиш тизими — дастлабки ёзма имтиҳон ҳамда тест синовлари асосида ташкил этилади. Бунда, дастлабки ёзма имтиҳон ва тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги «Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4910-сон қарори талабларига мувофиқ амалга оширилади;

рўйхати 5-иловада белгиланган таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари оператив бошқарув ҳуқуқи асосида академик лицейлар ташкил этиш учун педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига бепул берилади;

мазкур қарорга мувофиқ педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига берилаётган таълим муассасаларининг ўқувчилари ўқишини ушбу муассасаларда амалдаги ўқув дастурлари асосида тугатади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) мазкур қарорга 5-иловада кўрсатилган академик лицейлар фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги «Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4910-сон қарори талабларига мувофиқ ташкил қилсин.

11. Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларининг педагог касбига лаёқати мавжуд бўлган 10-11-синф ўқувчиларини махсус ишлаб чиқилган вариатив ўқув режалари асосида ўқитиш чораларини кўрсин.

12. Таълимнинг барча босқичларида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида Педагогик таълимни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) 6-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

* 5-6-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, педагог кадрлар тайёрловчи профессионал ва олий таълим муассасалари, соҳада фаолият юритаётган илмий ва малака ошириш ташкилотлари ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлаш ва мустаҳкамлаш;

мамлакатда педагогик таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш, унинг узоқ ва ўрта муддатли стратегик дастурини тасдиқлаш ҳамда амалга оширилишини назорат қилиб бориш;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўқув режалари ва таълим дастурларининг ўзаро узвийлигини, шунингдек, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларининг дастурлари билан узлуксизлигини таъминлаш;

таълим муассасаларининг педагогика соҳасидаги ижобий тажрибасини, шунингдек, ўқитиш ва таълим олувчилар билимларини баҳолашнинг замонавий услубларини оммалаштириш;

педагогика соҳасида илм-фан ва таълимни ривожлантиришга оид долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни кенг жамоатчилик иштирокида, шу жумладан ижтимоий тармоқлар орқали муҳокама қилиш ва илғор хорижий тажрибалар асосида уларнинг ечими бўйича тавсиялар тайёрлаш;

педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим дастурлари ва дарсликларни такомиллаштириш, замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Белгилаб қўйилсинки, Кенгаш томонидан тайёрланган таклифлар тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда давлат таълим ва илмий муассасалари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади, улар Кенгашга ўз вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама кўмак беради, сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб боради.

13. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда шахсий вазна ҳисобварақларига эга бўлади;

мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари юридик шахс сифатида ташкил этилади, давлат олий таълим муассасалари ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан, шартномалар асосида хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади;

мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқув жараёни 2022/2023 ўқув йилидан бошланади;

2022/2023 ўқув йилида Урганч давлат университети, Наманган давлат университети, Гулистон давлат университетининг педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва уларнинг негизидаги тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича қабул қилинган талабалар ўқишларини тегишлилиги бўйича Урганч, Наманган ва Гулистон давлат педагогика институтларида бошлайди;

Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти, Андижон давлат университетининг Педагогика институти, Бухоро давлат университетининг Педагогика институти, Термиз давлат университетининг Педагогика институти, Қарши давлат университетининг Педагогика институти, Чирчиқ давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтида таҳсил олаётган талабалар бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тегишлилигига кўра мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиradi ҳамда уларга ўқиш якуни бўйича ушбу олий таълим муассасаларининг дипломи берилади;

мазкур қарорнинг 1-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига давлат гранти асосида қабул қилинадиган талабаларнинг сони реал эҳтиёждан келиб чиқиб, ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларида белгиланади;

мазкур қарорга мувофиқ янгидан ташкил этилаётган Урганч, Наманган ва Гулистон давлат педагогика институтлари фаолиятини молиялаштириш 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади, 2023 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тutilади;

мазкур қарорга мувофиқ янгидан ташкил этилаётган Урганч, Наманган ва Гулистон давлат педагогика институтларининг дастлабки фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан жорий таъмирлаш ва зарур жиҳозларни харид қилиш ишлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

14. Қуйидагилар:

Урганч давлат университетининг Урганч шаҳар, Гурлан кўчасида жойлашган бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди ҳамда мавжуд барча жиҳозлари билан биргаликда Урганч давлат педагогика институтига;

Наманган давлат университетининг Наманган шаҳар, Уйчи кўчаси, 316-уй ва Бобур Шох кўчаси, 81-уй манзилларида жойлашган бино ва ин-

шоотлари тегишли ҳудуди ҳамда мавжуд барча жиҳозлари билан биргаликда Наманган давлат педагогика институтига;

Гулистон давлат университети академик лицейининг Гулистон шаҳар, 4-мавзе, Бўстон маҳалласи ҳудудида жойлашган бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда Гулистон давлат педагогика институтига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин.

Гулистон давлат университетининг академик лицейи университетнинг Гулистон шаҳар, 4-мавзе, Бўстон маҳалласи ҳудудидаги Санъатшунослик факультети биносига жойлаштирилсин.

15. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов, халқ таълими вазири Б.О. Саидов ҳамда мактабгача таълим вазири А.В. Шин белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 июнь,
ПҚ-289-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**219 Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика уни-
верситети фаолиятини такомиллаштириш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетиди таълим сифатини ошириш, университет фаолиятига илғор таълим дастурларини жорий қилиш ҳамда замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш мақсадида:

1. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 — 2026 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини (кейинги ўринларда — Университет) халқаро талабларга мувофиқ трансформация қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қўйидагилар:

2022 — 2026 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастури 1-иловага** мувофиқ;

2023 — 2026 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ таълими вазири зиммасига қўйидаги вазифалар юклансин:

а) 2023 йил 1 январга қадар Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ихтисослик кафедраларига камида 15 нафар малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

б) 2023 йил 1 сентябрга қадар халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингида биринчи 1 000 таликка кирган хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда Университетда камида 3 та қўшма таълим дастурини ташкил этиш;

в) 2024 йил 1 январга қадар:

Университет фаолиятида «Олий таълим жараёнларини бошқариш» ахборот тизимини тўлиқ жорий этиш;

Университетнинг илмий журналини Scopus, Web of Science ёки бошқа халқаро маълумотлар базаларига киритиш;

г) 2025 йил 1 январга қадар:

Университетнинг Times Higher Education ёки Quacquarelli Symonds халқаро рейтинг агентликларининг соҳавий, минтақавий ёхуд тематик рейтингларига киришини таъминлаш;

ваколатли халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда Университетнинг

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 июнда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини аккредитациядан ўтказиш;

Университет бошқарув тизимини ISO:21001 (Educational organizations — Management systems for educational organizations) талаблари асосида ташкил этиш;

д) мазкур қарорга 2-иловада кўрсатилган мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш.

4. 2023 йил 1 январдан бошлаб Университетга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–60-сон ва 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–61-сон қарорларида белгиланган академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Университет фаолияти давлат буюртмаси (давлат гранти) асосида кадрлар тайёрлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, тўлов-контракт асосида ўқитишдан ҳамда хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Белгилансинки, 2024/2025 ўқув йилида тажриба-синов тариқасида Университетнинг педагогика таълим йўналишларига (алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бундан мустасно) қабул жараёнлари икки босқичда, жумладан биринчи босқичда — дастлабки имтиҳон шаклида, иккинчи босқичда — кириш тест синовлари орқали амалга оширилади. Бунда:

дастлабки имтиҳон ва кириш тест синовлари Давлат тест маркази томонидан ўтказилади;

дастлабки имтиҳон доирасида абитуриентларнинг педагогик касбга мойиллиги ўрганилади;

кириш тест синовларида қатнашишга фақат дастлабки имтиҳондан муваффақиятли ўтган абитуриентларга рухсат этилади.

6. Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) ҳамда Давлат тест маркази (М. Каримов):

2024 йил 1 январга қадар Университетнинг педагогика таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш бўйича вақтинчалик тартибни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

тажриба-синов натижаларидан келиб чиқиб, педагогика таълим йўналишларига қабул имтиҳонларини икки босқичда ўтказиш тартибини педагог кадрлар тайёрловчи бошқа олий таълим муассасаларига ҳам татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Университет тузилмасида Университет, Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги А. Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институ-

ти (кейинги ўринларда — Миллий-тадқиқот институти), Республика таълим маркази ҳамда Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази, Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг малакали мутахассисларидан иборат бўлган Педагогик таълим ва амалиёт бўлими ташкил қилинсин ҳамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Университет таълим дастурларининг мактабгача, мактабдан ташқари, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари таълим дастурлари билан уйғунлигини таъминлаш;

Университет талабаларини таълим муассасалари фаолияти, шунингдек, педагог касбининг хусусиятлари билан таништириш;

талабаларнинг педагогик касбга бўлган муносабатларини ва уларни педагогик фаолиятга мотивация қилиш усулларини ўрганишга қаратилган ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш;

Университетда таълим олиш жозибadorлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, битирувчиларнинг ўқув жараёни ва ишлаб чиқаришдаги амалиётни ташкил этиш борасида фикр-мулоҳазаларини ўрганиш;

Университет фаолиятини халқаро талабларга мувофиқ такомиллаштириш, унинг халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингларига кириши борасидаги мавжуд муаммоларни тадқиқ қилиш ва натижалари юзасидан таклифлар киритиш;

таълим ва амалиёт интеграциясини кучайтириш ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Университетнинг кузатув кенгаши муҳокамасига киритиш.

8. Белгилансинки:

Педагогик таълим ва амалиёт бўлими ходимлари таркиби ҳар бир ташкилотнинг вакилларидан шакллантирилади;

Педагогик таълим ва амалиёт бўлими бошлиғи ўз лавозимига Университет ректори томонидан тайинланади ва озод этилади;

Педагогик таълим ва амалиёт бўлими ходимлари бўлимдаги фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади;

Педагогик таълим ва амалиёт бўлими ходимлари бўлимдаги фаолияти давомида иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда асосий меҳнат фаолиятидан озод қилинади;

Университетга ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Педагогик таълим ва амалиёт бўлими ходимларини қўшимча рағбатлантиришга рухсат этилади.

Университет (А. Киргизбаев) икки ой муддатда Педагогик таълим ва амалиёт бўлими фаолиятини лозим даражада ташкил этиш мақсадида бўлим учун зарур мебель, инвентарь, компьютер ва алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида хоналар ажратсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов), Халқ таълими

вазирлиги (Б. Саидов) ҳамда Мактабгача таълим вазирлиги (А. Шин) бир ой муддатда Педагогик таълим ва амалиёт бўлимида фаолият юритиш учун малакали мутахассисларни белгиланган тартибда сафарбар этсин.

9. Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) Университет ва Миллий-тадқиқот институтининг қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилишини таъминласин:

халқ таълими тизимини такомиллаштириш, педагогик таълим назарияси ва ишлаб чиқариш амалиёти интеграциясини кучайтириш, педагогларни тайёрлаш ва уларнинг узлуксиз касбий ривожланишини таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича биргаликда илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

Университет профессор-ўқитувчиларини халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш курсларига, Миллий-тадқиқот институти илмий ходимларини Университетнинг бакалавриат ва магистратурасида ўқув машғулотларини олиб боришга жалб қилиш;

Университет ва Миллий-тадқиқот институтининг малакали мутахассисларини докторант, мустақил тадқиқотчи ва магистратура талабаларига илмий раҳбарлик қилиш учун жалб қилиш;

ҳамкорликда илмий конференция, семинар ва тренингларни, шунингдек, докторлик диссертациялари муҳокамаларини ташкил қилиш;

ходимлар, тингловчилар ва талабалар учун Университет ва Миллий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналари манбаларидан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

талабалар ва тингловчилар учун дарслик, ўқув ҳамда методик қўлланмалар яратиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги «2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-134-сон Фармониغا мувофиқ Халқ таълими вазирлиги зиммасига:

2022 йил 1 декабрга қадар мактаб директори лавозимиغا номзодларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳамда баҳолаш натижаси бўйича уларга менежерлик сертификатини бериш тизимини;

2023 йил 1 августга қадар таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи ваколатли халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда педагог кадрларнинг умумтаълим фанлари бўйича билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш вазифалари юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Миллий-тадқиқот институти тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Халқ таълими ходимларининг билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) Марказ томонидан қуйидагилар ташкил этилади:

умумий ўрта таълим муассасаси директори лавозимиغا номзодларни махсус дастурлар асосида ўқитиш, уларнинг бошқарув соҳасига оид билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳамда баҳолаш натижасидан келиб чиқиб, та-

лабгорларга менежерлик сертификатини (кейинги ўринларда — менежерлик сертификати) бериш;

педагог кадрларнинг умумтаълим фанлари бўйича билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш ҳамда баҳолаш натижасидан келиб чиқиб, талабгорларга умумтаълим фанлари бўйича тегишли даражадаги миллий сертификатни (кейинги ўринларда — умумтаълим фанлар бўйича сертификат) бериш;

б) Марказ фаолияти Миллий-тадқиқот институтининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

в) Марказ Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6Б-уй манзилида жойлашган бинонинг бир қисмида жойлаштирилади;

г) менежерлик сертификати ва умумтаълим фанлар бўйича сертификатни бериш учун талабгорлардан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридан тўлов ундирилади ва ушбу маблағлар Миллий-тадқиқот институтининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

11. 2023 йил 1 январдан бошлаб Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Методик хизмат кўрсатиш бўлимлари ташкил этилсин.

Белгилансинки:

Методик хизмат кўрсатиш бўлимлари ҳудудий халқ таълими бошқармалари ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг методистлари штат бирликларининг бир қисмини мақбуллаштириш ҳисобидан ташкил этилади;

Методик хизмат кўрсатиш бўлимлари фаолияти Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази (кейинги ўринларда — Республика таълим маркази) томонидан мувофиқлаштирилади;

Методик хизмат кўрсатиш бўлимларининг раҳбарларини ишга қабул қилиш Республика таълим маркази билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Методик хизмат кўрсатиш бўлимлари ходимларининг малакасини доимий ошириб бориш, уларни кўрсатма материаллари билан таъминлаш вазифаси Республика таълим маркази зиммасига юклатилади;

Методик хизмат кўрсатиш бўлимлари методистларининг базавий тариф ставкаси миқдори умумий ўрта таълим муассасалари олий тоифали ўқитувчисининг базавий тариф ставкасига, бўлим бошлиқлариники эса — умумий ўрта таълим муассасалари олий тоифали ўқитувчиси базавий тариф ставкаси миқдорининг 1,1 бараварига тенглаштирилади;

Методик хизмат кўрсатиш бўлимлари томонидан Республика таълим марказининг махсус дастури, шунингдек, ишлаб чиқилган янги мактаб дарсликлари ва ўқув қўлланмалари асосида умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари учун малака ошириш курслари ташкил этилади;

Методик хизмат кўрсатиш бўлимлари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказларига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

12. Халқ таълими вазирлиги (Б. Саидов) 2023 йил 1 мартга қадар Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)нинг Global Teaching InSights лойиҳаси тажрибасидан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим муассасаларидаги илғор ўқитувчиларнинг очиқ дарсларини онлайн платформа-лар орқали намойиш қилиш ва уларнинг муҳокамасини ташкил этиш амалиётини жорий қилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

14. Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб халқ таълими вазири Б.О. Саидов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 21 июнь,
ПҚ-290-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 21 июндаги
ПҚ-290-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4467-сон қарорининг 9-бандидаги «халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтида» сўзлари «Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институтида» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4884-сон қарорида:

а) 5-банддаги «халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти» сўзлари «Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги «халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари» сўзлари «Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги «Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4963-сон қарорида:

а) 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги «халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари» сўзлари «Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-бандида:

учинчи хатбошидаги «директор» сўзи «ректор» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳудудий марказларининг раҳбарлари ва раҳбар ўринбосарлари Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда Институт ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади»;

в) 11-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги «халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти» сўзлари «Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-илованинг 12-позицияси «Чора-тадбирлар» устунидаги «халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари» сўзлари «Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари» сўзлари билан, «халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти» сўзлари «Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 2-илованинг 1-позицияси «Кўрсаткичлар номи» устунидаги «халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларининг» сўзлари «Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 3-илованинг номида ва 1-позицияси «Устувор масалалар» устунида-

ги «халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг» сўзлари «Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институтининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 4-илованинг номидаги «халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг» сўзлари «Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институтининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 5-илованинг номидаги «халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти» сўзлари «Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-5140-сон қарори 12-бандининг биринчи, тўртинчи — олтинчи хатбошиларидаги «9» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-61-сон қарорининг 1-иловаси қуйидаги таҳрирдаги 36-банд билан тўлдирилсин:

«36. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети».

Изоҳ: мазкур илованинг 5-банди 2023 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

220 Таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналарга фазначилик орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналарга фазначилик орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон қарорига мувофиқ:

2022 йил 1 июндан бошлаб тажриба тариқасида, босқичма-босқич йил якунига қадар Сув хўжалиги вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги барча унитар корхоналарга фақат Молия вазирлиги Фазначилиги томонидан хизмат кўрсатилиши;

Молия вазирлиги Фазначилигига ўтказилган унитар корхоналарнинг бўш маблағлари тижорат банклари депозитларига Молия вазирлиги Фазначилигига буюртманома тақдим этиш орқали жойлаштирилиши;

2022 йилгача давлат унитар корхоналари бўш маблағларининг тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган миллий валютадаги маблағлари депозитлар муддати тугагандан сўнг, уларнинг муддати узайтирилмасдан тегишли фазна ҳисобварағига ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналарга фазначилик орқали хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

унитар корхоналарнинг маблағлари ҳисобини шахсий фазна ҳисобварақларида юритиш;

фазначиликда унитар корхоналарнинг юридик мажбуриятларини ҳисобга олиш;

фазначиликда унитар корхоналарнинг молиявий мажбуриятларини ҳисобга олиш ҳамда харажатларни тўлаш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 июнда эълон қилинган.

унитар корхоналарнинг шахсий ғазна ҳисобварағидаги вақтинча бўш турган маблағларни бошқаришни тартибга солиш.

3. Молия вазирлиги Марказий банк, Сув хўжалиги вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси билан биргаликда:

а) ўн кун муддатда Сув хўжалиги вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги барча унитар корхоналарни мазкур қарор қабул қилингандан бошлаб 2022 йил якунига қадар босқичма-босқич ғазна ижроси билан қамраб олиш графигини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) тасдиқланган графикда кўрсатилган муддатларга қадар ғазна ижроси билан қамраб олинган унитар корхоналарнинг тижорат банкларида очилган ҳисобварақларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, қолдиқ маблағларни тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларига ўтказилишини ҳамда банк ҳисобварақлари белгиланган тартибда ёпилишини таъминласин;

в) ғазна ижроси билан қамраб олиш жараёнига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида масъул ходимларни унитар корхоналарга бириктирсин;

г) 2023 йил 1 февралга қадар тажриба натижаларидан келиб чиқиб, бошқа вазирлик ва идоралар таркибидаги унитар корхоналарга ғазначилик орқали хизмат кўрсатишни жорий қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Белгилансинки, ғазначилик билан қамраб олинган унитар корхоналар томонидан тижорат банкларида ҳисобварақ очиш тақиқланади, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

5. Молия вазирлиги 2023 йил 1 январга қадар:

ғазна ижроси билан қамраб олинган унитар корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштирилган ҳолда юритиш мақсадида «ЎзАСБО» дастурий мажмуасининг хўжалик юритувчи корхоналарга мослашган янги модулини ишлаб чиқсин;

ғазна ижроси билан қамраб олинган унитар корхоналарнинг маблағлари бўйича харажатлар сметаларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартибини тасдиқласин.

Бунда «ЎзАСБО» дастурий мажмуасининг хўжалик юритувчи корхоналарга мослашган янги модули ишлаб чиқилгунга қадар ғазначилик билан қамраб олинган унитар корхоналарга ўзлари томонидан фойдаланиб келинаётган дастурий таъминот орқали бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишга рухсат берилсин.

6. Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бошқармалари 2022 йил 1 июлдан бошлаб шакллантирилган режа-жадвал асосида таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналарнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари учун давлат харидлари ҳамда ғазна ижроси тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг мазмун моҳиятини тушунтиришга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил қилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағал-

ликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 июнь,
345-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 24 июндаги 345-сон қарорига
ИЛОВА

**Таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар
корхоналарга вазначилик орқали хизмат кўрсатиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган ва вазна ижроси билан қамраб олинган унитар корхоналарга (кейинги ўринларда — унитар корхоналар) вазначилик орқали хизмат кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

юридик мажбуриятлар — унитар корхоналар томонидан тузилган шартномалар, шунингдек, тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорлари асосида унитар корхоналарда юзага келадиган мажбуриятлар;

молиявий мажбуриятлар — унитар корхоналардан пул маблағларини ўтказиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар, шу жумладан, ижро ҳужжатлари асосида юзага келадиган мажбуриятлар;

корпоратив банк картаси — юридик шахсга банк томонидан бериладиган, корпоратив банк картасини сақловчисига карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф этган ҳолда товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш учун нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тўлов картаси.

**2-боб. Унитар корхоналар учун шахсий вазна
ҳисобварақларини очиш ва ёпиш тартиби**

3. Таъсисчиси бюджет ташкилотлари бўлган унитар корхоналарга вазначилик орқали ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ хизмат кўрсатилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Унитар корхоналар учун ғазначилик томонидан ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини (кейинги ўринларда — ШФХ) очиш ва ёпиш ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларга* мувофиқ шаклдаги аризага асосан амалга оширилади.

Унитар корхоналарнинг ШФХни очиш ёки ёпиш учун аризаси ғазначиликка тақдим этилган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

Унитар корхоналар томонидан ШФХни очиш ёки ёпиш учун тақдим этилган аризалар нотўғри расмийлаштирилган ёки тўлиқ тўлдирилмаган ҳолларда, тақдим этилган аризалар улардаги камчиликларни бартараф этган ҳолда, қайта киритиш учун бир иш куни давомида қайтарилади ва бу ҳақда унитар корхоналар хабардор қилинади.

4. 2023 йил 1 январдан бошлаб унитар корхонанинг ШФХни очиш ёки ёпиш учун аризаси, ШФХни очилганлиги ёки қайта киритиш тўғрисидаги хабарномалар электрон шаклда «ЎзАСБО» дастурий мажмуаси орқали амалга оширилади.

3-боб. Даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби

5. Унитар корхоналар келгуси йил учун даромадлар ва харажатлар сметаларини жорий йилнинг 1 декабрига қадар тузади ва тасдиқлайди, шунингдек, уларнинг таъсисчиси бўлган бюджет ташкилотлари жорий йилнинг 10 декабрига қадар рўйхатга олади.

Унитар корхоналарнинг даромадлар ва харажатлар сметаларига ўзгартиришлар уларнинг таъсисчиси бўлган бюджет ташкилотлари томонидан рўйхатга олинади.

6. Унитар корхоналар томонидан уларнинг харажатлар сметалари йил ойлари бўйича тақсимланган ҳолда харажатларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари бўйича иқтисодий таснифга мувофиқ ҳар бир харажат гуруҳи бўйича, учинчи ва тўртинчи гуруҳи харажатлари бир харажат гуруҳи бўйича юритилади.

Унитар корхоналарнинг харажатлар сметалари уч нусхада тузилади.

7. Унитар корхоналарнинг таъсисчиси бўлган бюджет ташкилотлари ушбу корхоналарнинг харажатлар сметаларига доир ҳисоб-китобларни талаб қилишга ҳақлидир.

Унитар корхоналарнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича даромадлар ва харажатлар сметасининг даромад қисми молия йили бошидаги маблағлар қолдиғи ҳамда даромадларнинг манбалар кесимидаги прогнозидан ташкил топади.

8. Унитар корхоналарнинг даромадлар ва харажатлар сметалари ҳамда уларга ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «ЎРМВ» АТ) автоматик тарзда ҳисобга олинади.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Харажатлар сметасининг ва уларга иловаларнинг шакллари, шунингдек, уларни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

4-боб. Юридик мажбуриятларни ҳисобга олиш

10. Унитар корхоналарнинг давлат харидлари доирасида тузилган ва белгиланган тартибда махсус ахборот порталида юритиладиган Шартномаларнинг ягона реестрига киритилган шартномалари ва уларга қўшимча келишувлар «ЎРМВ» АТда автоматик тарзда ҳисобга олинади.

11. Ҳазначилик орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгунга қадар унитар корхоналар томонидан тузилган шартномалар бўйича тўловлар молиявий мажбуриятларни ҳисобга олиш йўли билан тўлаб берилади.

12. Унитар корхоналарнинг давлат харидлари бўйича тузилган шартномалари ва уларга қўшимча келишувлари қонунчилик доирасида тузилганлиги учун мазкур шартномаларни имзолаган унитар корхоналарнинг раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

13. Шартномалар ва уларга қўшимча келишувларнинг «ЎРМВ» АТда ҳисобга олиниши ушбу шартномалар ва уларга қўшимча келишувлар бўйича унитар корхоналарнинг номидан ва уларнинг топшириғи бўйича ҳазначилик бўлинмалари томонидан тўловларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

5-боб. Корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган давлат харидлари

14. Унитар корхоналар корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда қўйидаги товарлар ва хизматларни харид қилиши мумкин:

а) фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ хизмат сафарлари учун ва бошқа ҳолатлардаги чипталар (авиа, темир йўл ва йўналиш транспортига) ва яшаш харажатлари;

б) хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг расмий делегациялари ташрифларини таъминлаш (меҳмонхона, транспорт хизматларини кўрсатиш, эсдалик сувенирлари, совғалар, гуллар, озиқ-овқат таъминоти, кечки овқат, фуршет, кофе-брейк) билан боғлиқ харажатлар;

в) бензин, суюлтирилган ва сиқилган газ, дизель ёқилғиси;

г) қонунчиликка мувофиқ тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган ҳоллардаги товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг баравари миқдоригача бўлган давлат харидлари, ушбу банднинг «а», «б» ва «в» кичик бандларидаги харидлар бундан мустасно.

Ушбу бандда қайд этилмаган товарлар ва хизматларнинг корпоратив банк картаси орқали харид қилиниши тақиқланади.

6-боб. Молиявий мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳамда харажатлар тўлови

15. Унитар корхоналарга қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотлари учун белгиланган бюджет таснифи қўлланилади.

16. Унитар корхоналарнинг I ва II гуруҳ бўйича харажатлар тўлови биринчи навбатда амалга оширилади. Бунда I гуруҳ харажатларини II гуруҳ харажатлари тўловисиз амалга ошириш тақиқланади (иш ҳақи учун олинган аванслардан ташқари).

Тегишли ШФХда I ва II гуруҳ харажатлари тўлови учун зарур маблағларни қоплайдиган қолдиқлар мавжуд бўлганда, III ва IV гуруҳ харажатларни амалга оширишга рухсат этилади.

17. Унитар корхоналар бюджетга ойлик иш ҳақи бўйича мажбурий йиғимларни тўлаш, нақд пул маблағларини олиш ёки ходимларнинг банк карталарига маблағларни ўтказиш учун ушбу Низомга 5 — 7-иловаларга* мувофиқ шаклдаги тўлов топшириқномалари, ғазна мемориал ордерлари ва буюртманомани «ЎзАСБО» дастурий мажмуасидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда Ғазначилик бўлинмаларига юборади.

18. Унитар корхоналар нақд пул шаклидаги маблағларни олиш учун тижорат банкларида тегишли баланс ҳисобварақлари очади.

19. «ЎзАСБО» дастурий мажмуасига уланган унитар корхоналар ходимларининг иш ҳақи суммаларини банк карточкаларига ўтказиш учун ходимлар рўйхатини электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда банкларга фақатгина электрон шаклда юборади.

20. Унитар корхоналар қонунчиликка мувофиқ хўжалик фаолиятига доир солиқлар, давлат божлари, бошқа мажбурий йиғимлар, маъмурий жарималар ва молиявий санкциялар бўйича тўловларни амалга ошириш учун ушбу Низомга 4-5-иловаларга мувофиқ буюртманома, тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларини «ЎзАСБО» дастурий мажмуасидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда юборади.

21. Унитар корхоналар тўлов топшириқномалари ва ғазна мемориал ордерларини электрон шаклда юборгандан сўнг Ғазначилик бўлинмалари томонидан кўриб чиқилиб, хато ва камчиликлар аниқланмаган тақдирда, бир иш куни мобайнида тўлаб берилади.

Агарда, хато ва камчиликлар аниқланса, уларни кўрсатган ҳолда бир иш кунидан кечиктирмасдан электрон шаклда унитар корхонага қайтарилади.

22. Унитар корхоналарнинг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) билан тузган шартномалари бўйича тўловлар товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралар асосида амалга оширилади.

Бунда товарлар етказиб берилганлигини (ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳисобварақ-фактуралар «ЎРМВ»

* 5 — 7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

АТга электрон шаклда юборилгандан сўнг тўловлар электрон тўлов топшириқномалари ва/ёки газна мемориал ордерлари асосида амалга оширилади.

23. Унитар корхоналарнинг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар (пудратчилар) билан тузган шартномалари бўйича электрон ҳужжат шаклида газначилик бўлинмаларига юборилган ҳисобварақ-фактуралари тегишли шартномага (юридик мажбуриятга) мувофиқлиги бўйича назорат газначилик бўлинмаси томонидан бир иш куни ичида амалга оширилади, камчиликлар аниқланганида уларни кўрсатган ҳолда электрон шаклда унитар корхонага қайтарилади.

7-боб. Унитар корхоналарнинг шахсий газна ҳисобварағидаги вақтинча бўш турган маблағларни бошқаришни тартибга солиш

24. Унитар корхоналар ўзларининг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига Газначиликка буюртманомалар тақдим этиш йўли билан жойлаштирадилар.

25. Унитар корхоналарнинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳажми ва муддатлари, фоиз ставкасининг энг кам миқдори, лотлар сони ва жойлаштириш вақти унитар корхоналар томонидан белгиланади.

26. Унитар корхоналар томонидан илгари жойлаштирилган вақтинча бўш турган маблағлар депозит муддати тугагунга қадар тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларида сақланади ва муддати узайтирилмасдан, депозит шартномасида белгиланган муддатларда қайтарилади.

27. Унитар корхоналарнинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлари икки иш куни мобайнида тўлиқ ҳажмда уларнинг тегишли газна ҳисобварақларига ўтказилади.

28. Унитар корхоналар томонидан илгари жойлаштирилган вақтинча бўш турган маблағлар депозит муддати тугагандан сўнг ўз вақтида қайтарилиши учун унитар корхоналар раҳбарлари ва бош ҳисобчилари жавобгардир.

8-боб. Молиявий мажбуриятлар бўйича ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини бажариш ҳамда тўловларни амалга ошириш

29. Унитар корхоналарнинг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари мазкур Низомга мувофиқ бажарилади.

30. Ижро ҳужжатларида қарздор унитар корхоналарнинг реквизитлари тўғри (ягона газна ҳисобварағи ва ШФХ) кўрсатилиши лозим. Қарздорнинг реквизитлари нотўғри кўрсатилган ижро ҳужжатлари газначи-

лик бўлинмалари томонидан реквизитларни аниқлаштириш учун қайтарилади.

31. Унитар корхоналарнинг молиявий мажбуриятлари бўйича ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатларини ижро этиш уларнинг ШФХдаги мавжуд маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда унитар корхоналарнинг ШФХда маблағлари бўлмаганда ёки етарли бўлмаганда улар томонидан кўрсатилган хизматлар учун келиб тушиши режалаштирилган маблағлар ҳисобидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тўлаб берилгандан сўнг ижро этилади.

32. Ҳазначилик бўлинмалари ижро ҳужжатини олгандан сўнг ўн кун муддатда унинг бажарилишини қуйидаги йўл билан таъминлайди:

унитар корхоналарнинг барча ШФХлари бўйича тўловларини ва шартномаларини ҳисобга олишни (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бундан мустасно) вақтинча тўхтатиш, шунингдек, маблағлардан фойдаланиш бўйича ижро ҳужжатида назарда тутилган чекловларни таъминлаш;

ижро ҳужжатини илова қилган ҳолда, тегишли харажатлари вақтинча тўхтатилганлиги тўғрисида унитар корхоналарни ёзма хабардор қилиш;

унитар корхоналарнинг ШФХдаги маблағлари қолдиғи доирасида маблағларни ўтказиш.

33. Унитар корхоналар ижро ҳужжатини ёки Ҳазначилик бўлинмасининг тегишли хабарномасини олгандан сўнг маблағларни ўтказиб бериш учун икки иш куни ичида ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ буюртманомани «ЎзАСБО» дастурий мажмуасидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда юборади.

Ҳазначилик бўлинмасининг масъул ходими буюртманомани кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди ва «ЎРМВ» АТда электрон шаклда ҳисобга олади, камчиликлар аниқланганда эса тегишли камчиликларини кўрсатган ҳолда электрон шаклда унитар корхонага қайтаради.

34. Ҳазначилик бўлинмасида буюртманома дастурий мажмуасидан ҳисобга олинганидан сўнг унитар корхона бир иш куни ичида «ЎзАСБО» дастурий мажмуасида тўлов топшириқномаси ёки Ҳазна мемориал ордерини шакллантиради ва электрон ҳужжат шаклида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда Ҳазначилик бўлинмаларига юборади.

Ҳазначилик бўлинмасининг масъул ходими тўлов топшириқнома ёки Ҳазна мемориал ордерларини «ЎРМВ» АТда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда тўловни амалга оширади, тўлов топшириқномаси ва Ҳазна мемориал ордерларида камчиликлар аниқланса, тегишли камчиликларини кўрсатган ҳолда электрон шаклда унитар корхонага қайтаради.

35. Унитар корхоналар томонидан мазкур Низомнинг 33 ва 34-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаганида ёки муддатида тақдим этилмаганда Ҳазначилик бўлинмалари мазкур Низомнинг 32-бандида кўрсатилган тартибда ва муддатларда ижро ҳужжати бўйича тўловни мустақил амалга оширади.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9-боб. Якунловчи қоидалар

36. Унитар корхоналар ғазначилик бўлинмаларидан тегишли ШФХдан кўчирмалар ва уларга иловаларни олади.

Бунда «ЎзАСБО» дастурий мажмуасига уланган унитар корхоналар кўчирмаларни электрон хужжат кўринишида «ЎзАСБО» дастурий мажмуасидан олади ва электрон шаклда тақдим қилинган кўчирмалар унитар корхоналарга қоғоз кўринишида тақдим этилмайди.

37. Унитар корхоналарнинг маблағлари уларнинг тегишли ШФХга ким қилинади ва мазкур унитар корхоналар тушумлари ёки ШФХ ҳисобидан аввал амалга оширилган касса харажатларининг тикланиш суммалари сифатида ҳисобга олинади.

38. Унитар корхоналарнинг ШФХга келиб тушган маблағлари тўғри акс эттирилишини таъминлаш учун тегишли тижорат банклари томонидан юбориладиган электрон тўлов хужжатларининг «тўлов мақсади» устунда мазкур Низомга 8-иловага* мувофиқ маълумотномада кўрсатилган тегишли тўлов кодлари, шунингдек, унитар корхоналарнинг ШФХлари кўрсатилиши лозим.

39. Унитар корхоналарнинг ШФХга нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағлари ғазначилик бўлинмалари томонидан унитар корхоналарнинг ёзма мурожаатлари ва мазкур Низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилган тўлов хужжатлари асосида қайтарилади, давлат солиқ хизмати органлари томонидан ундириладиган тўловлар бундан мустасно.

«ЎзАСБО» дастурий мажмуасига уланган унитар корхоналарининг ШФХларига нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағлари электрон рақамли имзо билан тасдиқланган тўлов топшириқномаларини ғазначилик бўлинмаларига юбориш орқали қайтарилади.

40. «ЎзАСБО» дастурий мажмуаси орқали ғазначилик бўлинмаларига электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб юборилган электрон хужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги, хужжатларнинг қоғоз ва электрон шаклининг ўзаро мувофиқлиги, электрон хужжатларга асос бўлган хужжатларнинг асли, шунингдек, шартнома тузиш учун асос бўлган барча хужжатларнинг сақланиши учун унитар корхоналар жавобгар ҳисобланади.

41. Ғазначилик бўлинмалари юридик ва молиявий мажбуриятларнинг ўз муддатида ва тўғри ва ҳисобга олиншига, тўловларнинг амалга оширилиши ҳамда талаб қилинадиган хужжатларнинг тўлиқчилигига, шунингдек, ўзларига юкланган бошқа вазифаларнинг мазкур Низомга мувофиқ бажарилишига жавобгардир.

42. Унитар корхоналар давлат харидларини қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга ошириш, шу жумладан, бошланғич нархни белгилаш, тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланиши, мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечими, шунингдек, ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилган юридик ва молиявий мажбуриятлар бўйича амалга оширилган харажатлар

* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг тузилган харажатлар сметасига мувофиқлиги учун жавобгар ҳисобланади.

43. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****221 «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-4*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 157-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 3124, 2019 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 3-сон, 57-модда) 2-бандидаги «2022 йил 1 июлдан» деган сўзлар «2023 йил 1 январдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июнь,
17-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

222 «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-б*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 156-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 2971-1, 2019 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 3-сон, 58-модда) 2-бандидаги «2022 йил 1 июлдан» деган сўзлар «2023 йил 1 январдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июнь,
18-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ КАДАСТР
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

223 Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3156-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 66-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тўғрисидаги ҳамда Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 мартдаги 4-сон қарори (рўйхат рақами 3156, 2019 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 17-сон, 335-модда) билан тасдиқланган Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ф. ПУЛАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 6 июнь,
4-2022-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 20 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр
агентлиги директорининг 2022 йил 6 июндаги
4-2022-сон буйруғига
ИЛОВА

**Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас
мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан
ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб
чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«рўйхатдан ўтказувчи — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси (бундан буён матнда Давлат кадастрлари палатаси деб юритилади) ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий бошқарма деб юритилади) раҳбарлари томонидан тайинланадиган масъул шахслар.»;

2. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Манфаатдор шахсларнинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан мурожаатлари Давлат кадастрлари палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари қошидаги доимий равишда фаолият юритадиган комиссиялар (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) томонидан кўриб чиқилади.».

3. 5-банд «Комиссия» деган сўздан кейин «тегишлилигига кўра Давлат кадастрлари палатаси раиси ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Комиссия таркиби тегишлилигига кўра Давлат кадастрлари палатаси, унинг ҳудудий бошқармаси, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси масъул ходимлари орасидан шакллантирилади.».

5. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Тегишлилигига кўра Давлат кадастрлари палатаси раиси ва унинг ҳудудий бошқармаси раҳбари комиссия раиси ҳисобланади.».

6. 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Комиссия тақдим этилган мурожаатни манфаатдор шахс ёки унинг қонуний вакили иштирокида кўриб чиқади.».

7. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

Келишилди:

Қурилиш вазири

Б. ЗАКИРОВ

2022 йил 18 май

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Ш. КУДБИЕВ

2022 йил 26 май

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI DAVLAT TEST
MARKAZI DIREKTORINING
BUYRUG'I

224 “Ўзбекистон Республикаси Банк-мoliya akademiyasi magistraturasiga kirish test sinovlarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida*

*Ўзбекистон Республикаси Адлиya vazirligi tomonidan 2022-yil
23-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2698-1*

Ўзбекистон Республикаси Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 30-iyuldagi 599-son “Ўзбекистон Республикаси Банк-мoliya akademiyasida boshqaruv kadrlarini tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishga doir normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Ўзбекистон Республикаси Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi direktorining 2015-yil 29-iyundagi 01-176-son “Ўзбекистон Республикаси Банк-мoliya akademiyasi magistraturasiga kirish test sinovlarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug'i (ro'yxat raqami 2698, 2015-yil 14-iyul) (Ўзбекистон Республикаси

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2022-yil 23-iyunda e'lon qilingan.

qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 28 son, 376-modda) o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor

M. KARIMOV

Toshkent sh.,
2022-yil 10-iyun,
01-420-son

Kelishildi:

*Bank-moliya
akademiyasi rektori*

E. XOSHI MOV

2022-yil 9-iyun

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

225 «Кемаларни рўйхатга олиш қоидаларини тасдиқлаш
тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб то-
пиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2595-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 апрел-
даги 167-сон «Дарё транспортида давлат хизматлари кўрсатишнинг маъму-
рий регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг
2014 йил 23 майдаги 95-сон «Кемаларни рўйхатга олиш қоидаларини тас-
диқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2595, 2014 йил 17 июнь)
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 25-сон,
311-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Mazkur buyruq Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Сув

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 23 июнда эълон қилинган.

хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 июнь,
8-сон

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2022 йил 2 июнь

Сув хўжалиги вазири

С. ХАМРАЕВ

2022 йил 1 июнь

*Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат
қўмита раиси*

Н. ОБЛОМУРАДОВ

2022 йил 7 июнь

*Монополияга қарши
курашиш қўмита раиси*

Ш. ШАРАХМЕТОВ

2022 йил 1 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

226 Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В ва 26-сон қарори (рўйхат рақами 2925, 2017 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 968-модда) билан тасдиқланган Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 июнь,
344-В-7-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 июнда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга
қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 27 май,
15-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
1 июндаги 344-В-7-сон ва Бош прокуратура
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2022 йил
27 майдаги 15-сон қарорига
ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларида жинойий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банддаги «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» деган сўзлар «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«нобанк кредит ташкилотлари — банклар томонидан амалга оширилладиган айрим молиявий операцияларнинг Ўзбекистон Республикасининг «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонунида рухсат этилган мажмуини амалга оширувчи кредит ташкилотлари (микромолия ташкилоти, ломбард ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти);».

3. 21-банднинг «а» кичик бандида:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижоз қонун ҳужжатларига мувофиқ кредитлар, микрокредитлар, микроқарзлар, исломий молиялаштиришга оид хизматларни олиш учун мурожаат қилганда;»;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижоз микромолия ташкилоти лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган лизинг олиш учун мурожаат қилганида;»;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни (ашёни) вақтинчалик сақлаш учун қабул қилишда;»;

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«кафолатлар беришда;».

4. 26-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «паспорт ёки унинг ўрнини босадиган хужжат» деган сўзлар «паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа хужжат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 54-банддаги «рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь» деган сўзлар «рўйхат рақами 3327, 2021 йил 19 октябрь» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 1-илованинг 5-бандидаги «Паспорт ёки унинг ўрнини босадиган хужжат» деган сўзлар «Паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа хужжат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

227 Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-9*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон қарори (рўйхат

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 июнда эълон қилинган.

рақами 2886, 2017 йил 23 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 401-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 июнь,
343-В-9-сон

**Иқтисодий жиноятларга
қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 27 май,
13-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2022 йил
1 июндаги 343-В-9-сон ва Бош прокуратура
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2022 йил
27 майдаги 13-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 26-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари ҳамда 38-банднинг тўртинчи ва олтинчи хатбошиларидаги «паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат» деган сўзлар «паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 38¹-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «40» рақами «36» рақами билан алмаштирилсин.

3. 76-банддаги «рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь» деган сўзлар

«рўйхат рақами 3327, 2021 йил 19 октябрь» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 1-илованинг 5-бандидаги «Паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат» деган сўзлар «Паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд уларнинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

228 **Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2983-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги 62-сон «Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 25 январдаги 4-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2983, 2018 йил 16 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2018 й., 10/18/2983/0908-сон) билан тасдиқланган Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди тўртинчи хатбошисидаги ва 9-банднинг иккинчи хатбошисидаги «тиббий-меҳнат эксперт комиссияси» деган сўзлар «тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 10 июнь,
12-2022/Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 13 июндаги 17-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-4.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 13 июндаги 18-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-6.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 6 июндаги 4-2022-сон «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3156-2.

4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazi direktorining 2022-yil 10-iyundagi 01-420-son “O‘zbekiston Respublikasi Bank-moliya akademiyasi magistraturasiga kirish test sinovlarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2022-yil 23-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2698-1.

5. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 13 июндаги 8-сон «Кемаларни рўйхатга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2595-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 1 июндаги 344-В-7-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 27 майдаги 15-сон «Но-банк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги қарори.

2022 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925-7.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2022 йил 1 июндаги 343-В-9-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2022 йил 27 майдаги 13-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-9.

8. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири-нинг 2022 йил 10 июндаги 12-2022/Б-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2983-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2015 йил 29 июндаги 01-176-сон «Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига кириш тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2698, 2015 йил 14 июль).

2022 йил 23 июнда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2014 йил 23 майдаги 95-сон «Кемаларни рўйхатга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2595, 2014 йил 17 июнь).

2022 йил 23 июнда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

